

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ  
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ДОНИЯРОВ НОДИРЖОН АБДИХАКИМОВИЧ**

**ҚИММАТБАҲО КОМПОНЕНТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ БИЛАН  
ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРИТ РУДАЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.14 – «Фойдали қазилмаларни бойитиш» (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий - 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Донияров Нодиржон Абдихакимович**

Қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш билан паст навли  
фосфорит рудаларини комплекс қайта ишлашнинг самарали  
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Донияров Нодиржон Абдихакимович**

Разработка эффективной технологии комплексной переработки  
низкосортных фосфоритовых руд с извлечением ценных  
компонентов ..... 29

**Doniyarov Nodirjon Abdixakimovich**

Development of effective technology of complex processing of low-sport  
phosphorite ores with extracting of valuable components ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ВА ИСЛОМ КАРИМОВ  
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**ДОНИЯРОВ НОДИРЖОН АБДИХАКИМОВИЧ**

**ҚИММАТБАҲО КОМПОНЕНТЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ БИЛАН  
ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРIT РУДАЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.14 – «Фойдали қазилмаларни бойитиш» (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Навоий - 2019**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/T222 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Санакулов Қувондиқ</b> техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Юсупходжаев Анвар Абдуллаевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Эркаев Ақтам Улашевич</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Искандарова Мастура Искандаровна,</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>«Минерал ресурслар институти» ДК</b>

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Б.Р.Раимжанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси в.в.б., т.ф.д., профессор

**Ш.Ш.Заиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Ю.Д.Норов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда дунёда минерал хом ашёлар қайта тикланмайдиган табиий ресурслар ҳисобланиб, уларнинг заҳиралари чекланган. Баъзи турдаги фойдали қазилмаларни бошқа хом ашёлар ёки технологиялар билан алмаштирилмайди. Шунинг учун минерал хом ашёлардан комплекс фойдаланиш – янги минг йилликда ресурсларни тежашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Жамоатни камёб ва стратегик турдаги қимматбаҳо компонентлар билан таъминлаш ва келажак авлод учун уларни заҳираларини сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда йилдан йилга ер ресурсларидан самарали, шунингдек кўп миқдорда ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим омил ҳисобланадиган турли минерал ўғитлардан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада фосфор таркибли минерал ўғитларни ерга тизимли бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини икки мартадан кўпроқ ошириш, турли усуллар ёрдамида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш билан паст навли фосфорит рудаларини комплекс қайта ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда Марказий Қизилқум фосфор таркибли рудаларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар Стратегиясида «тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳаракатли ривожлантириш, давлат озиқ-овқат хавфсизлигини келгусида мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш...»<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш, таркибида зарарли қўшимчалари бўлган фосфорит хом ашёсининг сифатини баҳолаш, Республиканинг қишлоқ хўжалиги учун фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш муаммоларини ечиш, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, таркибида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш, паст навли Марказий Қизилқум фосфорит рудаларини комплекс қайта ишлашнинг янги рақобатбардош технологиясини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамият эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларга кимё саноатини риволантириш дастури», 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоралари» ва 2019 йил 17 январдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия соҳаси корхоналари фаолиятини келгусида такомиллаштириш чоралари» ҳақидаги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республиканинг илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Паст навли фосфоритларни бойитишга ва бойитмани қайта ишлаш асосида урандан ва КЕЭдан тозаланган фосфор таркибли ўғитларни олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасалари, жумладан, The Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), Engineering Dobersek GmbH (Германия), Fertilizers Research Institute in Pulawy (Польша), Laboratory of Plant Nutrition and Fertilizers, the University of Tokyo (Япония), University of Science and Technology (Хитой), Kaohsiung District Agriculture Research and Extension Station, Lab of soil and fertilizer (Тайван), Я.В.Самойлов номли ўғитлар ва инсектофунгицид бўйича ИТИ (Россия), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тошкент умумий ва ноорганик кимё институти ва Навоий давлат кончилик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда фосфатли хом ашёни бойитиш усули билан ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш бўйича жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: флотореагентлар ёрдамида апатитли рудаларда фосфатли минерални ажратиш учун бойитишнинг флотацияли усули ишлаб чиқилган (Florida Industrial and Phosphate Research Institute, АҚШ); бойитишнинг биофлотацияли, биосорбцияли, биоконверсионли, биоактивацияли ва биокимёвий усуллари ўз ичига олган микробиологик усули ишлаб чиқилган («Я.В.Самойлов номли ўғитлар ва инсектофунгицид бўйича ИТИ» АЖ, Россия); юқори ҳароратда (900-1000°C) фосфатли рудаларни бойитиш усули яратилган (Engineering Dobersek GmbH, Германия); фосфоритларни бойитиш механик усулининг илмий асослари яратилган (University of Science and Technology, Хитой).

Дунёда апатитли ва фосфоритли рудаларни турли усуллар билан бойитиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минерал кислоталар ёрдамида фосфатли хом ашёни бойитиш усуллари ишлаб чиқиш; суюқликда эритиш усуллари

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.atlasrockbit.com](http://www.atlasrockbit.com), <http://www.varelintl.com>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), <http://vbm.ru>, <https://www.amazon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқиш; юқори карбонатли фосфатли хом ашёни термик бойитиш усулини такомиллаштириш; фосфоритларнинг фаол лойқа микрофлораси билан ўзаро таъсири жараёнида физикавий ва кимёвий ўлчамлар таъсири қонуниятларини аниқлаш; янги оралик ноорганик ва органик бирикмалар пайдо бўлишининг сифат ва миқдорий хусусиятларини, микроорганизм-муҳит-минерал тизимида минераллар трансформациясига олиб келувчи фаол лойқа биоценози таркибини аниқлаш; франколит парчаланишининг мақбул муддатларини аниқлаш ва органоминералли ўғитнинг янги турини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мураккаб минералогик-петрографик таркибли Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфорит рудаларини бойитиш рудани ташкил этувчи минералларнинг физико-кимёвий хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлиги туфайли мураккаб ечимли муаммолардан бири ҳисобланади.

Турли фосфоритли рудаларни флотация усулида бойитиш жараёни назариясини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олимлар С.И.Сахаров, Я.С.Черяту, И.С.Малинская, М.И.Баскаков, Н.К.Шувалова Л.Д.Ратобыльская ва бошқалар томонидан ўтказилди. Бунда шуни айтиш жоизки, юқорида келтирилган муаллифлар тадқиқотларида келиб чиқиши ҳар хил бўлган реагентлар таъсири тўлиқ очиб берилмаган.

Олимлар М.Е.Позин, Н.Н.Треущенко, Б.А.Копылёв, С.А.Абдурахмонов, Б.М. Беглов, Ш.С.Намазов, А.У.Эркаев ва бошқалар томонидан фосфоритли рудаларни кимёвий қайта ишлаш соҳасида илмий тадқиқотлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда корхонанинг ишлаб чиқариш маҳсулотларидан қимматбаҳо компонентларни (уран, КЕЭ ва б.) комплекс ажратиб олинишини таъминлаш билан юқори сифатли ўғитлар олиш мақсадида фосфоритли рудаларни қайта ишлаш устивор саналади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №28-08 – «Кондицион бойитгани олиш билан паст навли фосфоритларни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш» (2008 й.); ИП-2015-7-21 – «Қимматбаҳо компонентларни қўшимча равишда ажратиб олиш билан экологик тоза ўғитларга Марказий Қизилқум фосфоритларини қайта ишлашнинг мақбул технологиясини яратиш» (2016 й.); №4-2018 – «Фосфор билан бойитилган органоминералли азотли-фосфорли полиэлементли ўғитларни олиш учун КФК чиқинди омбори лойқа қисмидан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018 й.); А-АВ-2019-13 – «Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари, актив лойқа ва минерал кислоталар микрофлораси асосида донадорланган комплексли органоминерал ўғитларнинг янги турини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** флотацияли, кимёвий ва бактериал усуллар ёрдамида қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш билан паст навли фосфорит рудаларини комплекс қайта ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

фосфат ва кальцитнинг кристаллокимёвий, термодинамик ва юзадаги хусусиятларини назарий тадқиқ қилиш;

бойитишнинг ва реагент тартибининг мақбул ўлчамларини аниқлаш билан паст навли рудалар флотацияси жараёнини тадқиқ қилиш;

минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган кондицион бойитмани олиш мақсадида кимёвий бойитиш жараёнини ўрганиш ва фосфоритларни комбинацияли бойитиш технологик схемасини ишлаб чиқиш;

балластли аралашмалардан тозаланган фосфорли ўғитларни олиш учун ЭФКни нейтраллашдан олдин уранни ва КЕЭни кейинчалик бир вақтда чўктириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг темир таркибли чиқиндиларидан (гидрометаллургик заводларнинг магнитли фракцияларидан) фойдаланиб, ЭФКда  $U^{+6}$  ни  $U^{+4}$ га тиклаш усулини таҳлилий асослаш;

АМП ва ВО-020 туридаги анионитлардан фойдаланиш билан уранни (радийни), АФИ-22 туридаги ионитдан фойдаланиш билан КЕЭни олдиндан ажратиб олишга асосланган экологик тозаланган суперфосфат олиш усулини ярим саноатли синаб кўриш ва зарарли аралашмалардан тозаланган фосфоритли ўғитлар олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш;

янги турдаги органоминаралли ўғит олиш имконияти мавжуд актив лойқа микрофлораси таъсири остида паст навли фосфорит рудалари ва шламлар таркибида минералларнинг кимёвий ўзгаришини тадқиқ қилиш;

фосфоритларнинг фаол лойқа микрофлораси билан ўзаро таъсири жараёнида физикавий ва кимёвий ўлчамлар (рН муҳит, азот, фосфор, калий ва бошқа элементлар миқдори, жараён давомийлиги) таъсири қонуниятларини ўрганиш;

янги оралиқ ноорганик ва органик бирикмалар пайдо бўлишининг сифат ва миқдорий хусусиятларини, микроорганизм-муҳит-минерал тизимида минераллар трансформациясига олиб келувчи фаол лойқа биоценози таркибини тадқиқ қилиш;

франколит парчаланишининг мақбул муддатларини аниқлаш ва органоминаралли ўғитнинг янги турини ишлаб чиқиш учун асосий технолоик схема ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Жарой-Сардара конининг паст навли рудалари ва фосфор билан бойитилган органоминаралли ўғитлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** – қимматбаҳо компонентларни ажратиш билан паст навли фосфорит рудаларини комплекс қайта ишлаш технологияси ва юқори сифатли минерал ўғит олиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда фосфорит рудаси таркибини кимёвий, минералогик, фазали ва спектрал таҳлиллари, фосфорни миқдорини



аниқлаш учун фотоколориметрик ва магнийаммонийфосфат кўринишида чўктириш усуллари, руданинг кимёвий таркиби комплексонометрик, перманганатометрик, фотоколориметрик ва деривато-график усуллари, дастлабки материалнинг сифат таркибини таҳлил қилиш учун IRTracer-100 спектрометр ИК-Фурье маркали SHIMADZU асбобида намуналарнинг ИК-спектроскопик нурланиши, ураннынг миқдорий улушини ва намуналарнинг солиштирма фаоллигини аниқлаш учун «ЎУз МВИ 281:2006. Ураннынг масса улушини аниқлаш» ва «МВИ № Ц-01.16–117:2012. Намуналарнинг солиштирма активлигини аниқлаш» усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фосфат ва кальцитнинг кристалл-кимёвий, термодинамик ва юзадаги хусусиятлари асосида минералларнинг флотацияли ҳолати қонуниятлари аниқланган ва флотация жараёнининг мақбул тартиби ишлаб чиқилган;

илк бор ёғ-мой комбинати чиқиндиларининг кимёвий ва физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг карбонатли минералларга нисбатан флотацияли хусусияти аниқланган;

шламсизлантирилган рудани фосфатли флотациялаш ва кейинчалик кимёвий охиригача бойитиш усули билан дастлабки балансдан ташқари рудада  $P_2O_5$  нинг миқдорида техник шароитларга мос келувчи 27,1% миқдорли  $P_2O_5$  олиш усули ишлаб чиқилган;

балластли аралашмалардан тозаланган фосфорли ўғитларни олиш учун ЭФКни нейтраллашдан олдин уранны ва КЕЭни кейинчалик бир вақтда чўктириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг темир таркибли чиқиндиларидан (гидрометаллургик заводларнинг магнитли фракцияларидан) фойдаланиб, ЭФКда  $U^{+6}$  ни  $U^{+4}$  га тиклаш усули ишлаб чиқилган;

АМП ва ВО-020 туридаги анионитлардан фойдаланиш билан уранны (радийни), АФИ-22 туридаги ионитдан фойдаланиш билан КЕЭни олдиндан ажратиб олишга асосланган радиоэкологик тозаланган суперфосфат олиш усули ишлаб чиқилган;

фосфоритларнинг актив лойқа микрофлораси билан ўзаро таъсири жараёнида физикавий ва кимёвий ўлчамлар (рН муҳит, азот, фосфор, калий ва бошқа элементлар миқдори, жараён давомийлиги ва б.) таъсири қонуниятлари асосида янги турдаги органоминералли ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор актив лойқа микрофлорасининг бактериал таъсирлашувида фосфоритлар таркибида минераллар эриши механизми асосида дастлабки оралиқ ва охириги ноорганик ва органик бирикмалар ҳамда кислотали аралашмалар таркибининг сифат ва миқдорий ўзгаришлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёғ-мой комбинати чиқиндиларининг кимёвий ва физикавий-кимёвий хоссалари асосида паст навли фосфоритли рудаларни самарали бойитиш имконини берувчи флотацион қобилятнинг мақбул тартибини белгилаш усули ишлаб чиқилган;

зарарли аралашмалардан тозаланган фосфор таркибли ўғитлар олиш учун АМП ва ВО-020 туридаги анионитлардан фойдаланиш билан урани (радийни), АФИ-22 туридаги ионитдан фойдаланиш билан КЕЭни ажратиб олишнинг технологик тартибини белгиловчи усули ишлаб чиқилган;

$P_2O_5$  - 27,1 % миқдорли фосфоритли бойитмаси олиш имконини берувчи паст навли фосфоритли рудаларни бойитишнинг комбинацияли технологик схемаси ишлаб чиқилган;

урани тўлиқ ажратиб олишга таъсир этувчи омиллар (рН муҳит, бўтана зичлиги, уран ва фосфор миқдори, уран ва КЕЭни сорбцияли ажратиб олиш вақти ва б.) ва технологик жараённинг мақбул қийматлари аниқланган;

янги турдаги органоминералли ўғит ишлаб чиқариш учун фаол лойқанинг микрофлораси билан франколитни парчаланнинг мақбул тартибини белгилаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижалари ишончлилиги** таҳлилнинг қўлланилган кимёвий ва физикавий-кимёвий (комплексометрик, перманганатометрик, фотоколориметрик, дериватографик ва ИК-спектроскопик) усуллари билан, шунингдек, яхлитлаштирилган тажриба-саноат синаб кўриш далолатномалари орқали тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти флотациянинг тескари усули билан карбонатли минералларни фосфатлардан ажратиш учун ёғ-мой комбинати чиқиндиларини флотореагент сифатида қўллаш билан минералларнинг флотацияли ажралишини такомиллаштириш учун минералларнинг юза хусусиятларига таъсирини аниқлаш ва аниқ мақсадга йўналтириш, флотоконцентратни кимёвий бойитиш билан борадиган комбинациялашган карбонат-фосфорит флотацияси паст навли фосфорит рудаларни бойитиш технологиясининг альтернативасини танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти руда тайёрлаш, шламсизлантириш, флотацияли бойитиш ва Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритли рудаларини флотацияли бойитиш ва қайта ишлаш босқичларини ўз ичига олган технология ишлаб чиқаришидаги таклифлар ва синовлар, балластли аралашмалардан тозаланган фосфорли ўғитларни олиш учун ЭФКни нейтраллашдан олдин урани ва КЕЭни кейинчалик бир вақтда чўктириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг темир таркибли чиқиндиларидан (гидрометаллургик заводларнинг магнитли фракцияларидан) фойдаланиб, ЭФКда  $U^{+6}$  ни  $U^{+4}$ га тиклаш усули ишлаб чиқиш, АМП ва ВО-020 туридаги анионитлардан фойдаланиш билан урани (радийни), АФИ-22 туридаги ионитдан фойдаланиш билан КЕЭни олдиндан ажратиб олишга асосланган экологик тозаланган суперфосфат олиш усули ишлаб чиқиш, актив лойқа микрофлораси ёрдамида ишлов бериш билан Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритли рудаларидан янги турдаги органоминералли ўғитлар олиш усулини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш билан паст навли фосфоритли рудаларни комплекс қайта ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги реагентлар – соапсток ва фомол асосида карбонатли-фосфоритли флотациялаш усули билан Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритли рудаларини флотацияли бойитиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 3 майдаги 02-06-07/5670-сон маълумотномаси). Натижада  $P_2O_5$  – 26,8% миқдорли кондицияли бойитма олиш ва бойитманинг 39,0% чиқишида  $P_2O_5$  сидирғали ажратиб олиш 66,24% ташкил этиш имконини берган;

рудани комбинациялашган карбонат-фосфатли флотациялаш ва кейинчалик кимёвий охиригача бойитиш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 3 майдаги 02-06-07/5670-сон маълумотномаси). Натижада баланسدан ташқари рудада  $P_2O_5$  нинг миқдорида техник шароитларга мос келувчи 27,1% миқдорли  $P_2O_5$  олиш усулини ишлаб чиқиш имконини берган;

янги радиоэкологик тозаланган суперфосфат олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2019 йил 3 майдаги 02-06-07/5670-сон маълумотномаси). Натижада Зарафшон шаҳрида ярим саноатли синов ўтказиш ва биокимёвий тозалаш иншоотида (УВваОС) паст навли фосфоритли рудаларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 6 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий ва илмий-техникавий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иши чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан Республика нашрларида 6 та ва хорижий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг биринчи бобида – **«Фосфоритли рудаларни қайта ишлаш назарияси ва технологиясининг ҳозирги замонавий ҳолати»** – бойитишнинг ва қайта ишлашнинг флотацияли, кимёвий ва биотехнологик усуллари билан Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритли рудаларини қайта ишлаш бўйича комплекс ёндашув тадқиқ қилинган.

Фосфоритли рудаларни қайта ишлаш бўйича мамлакатимиз ва хориж бойитиш фабрикалари амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фосфоритли рудаларни бойитиш учун руданинг физикавий-кимёвий хоссаларига боғлиқ ҳолда, бойитишнинг қуруқ, аралаш ва кимёвий усуллари қўлланилади.

Юқори даражада карбонатли рудаларни бойитиш учун флотация жараёни кенг қўлланилишга эга, бироқ, фосфат ва сақловчи жинсларнинг флотацияли хусусиятлари яқинлиги ва қўлланиладиган флотореагентларнинг кам самарадорлиги бойитма сифати ва талафотлар камайиши бўйича юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Флотацияли бойитиш схемасидан рудаларнинг карбонатли-фосфатли флотацияланишининг истиқболли схемасини эътироф этиш мумкин. Бойитишнинг амалдаги усуллари қатор афзалликларга ва камчиликларга эга. Марказий Қизилқум фосфоритлари учун қайта ишлашнинг аралаш усули, жумладан, янги, осон кира оладиган реагентларни қўллаш билан флотацияли-кимёвий бойитиш катта аҳамиятга эгадир.

Фосфоритлар таркибида ноёб элементларнинг (бериллий, литий, цирконий, қалай, молибден, висмут, сурьма, мышьяк, стронций, фтор, ниобий, ванадий), тарқоқ (сочилма) элементларнинг (галлий, скандий, германий), ноёб ер элементларнинг (лантан, церий, неодим, самарий, европий, тербий, диспрозий, иттербий, цезий) ва радиоактив элементларнинг (уран, торий) етарлича катта спектри кузатилади. Шу билан бирга, тадқиқ қилинаётган фосфоритларда айрим элементлар кларкли миқдордан 5-10 марта ошадиган концентрациялар беради, бу ўғит ишлаб чиқаришда қўшимча тарзда ажратиб олиш учун амалий аҳамият касб этади.

Фосфоритларни биотехнологик қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилди ва биокимёвий тозалаш иншоотларининг ортиқча актив лойқасини ва стабиллашган чўкиндени қўллашнинг энг мақбул варианты улар асосида янги органоминерал ўғитлар олиш мақсадида фосфоритларни бойитиш учун улардан фойдаланиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, паст навли фосфоритли рудаларини қайта ишлашда фосфоритли рудаларни бойитишнинг ва қимматбаҳо компонентларни қўшимча тарзда ажратиб олишнинг (U, КЕЭ ва б.) ҳозирги замонавий ҳолатини таҳлил қилиш сифатли минерал ўғит олиш имконини беради.

**«Марказий Қизилқум фосфорит рудаларини физик-кимёвий характеристикасини тадқиқ қилиш»** номли диссертациянинг иккинчи бобида шу нарса белгиландики, бунда Қоратовнинг оддий фосфоритли рудалари билан (24,5%  $P_2O_5$ , кальцийли модуль-1,59) таққослаганда Марказий Қизилқум фосфоритлари жуда камқиймат руда (16,2 %  $P_2O_5$ , кальцийли модуль-2,85) ҳисобланади.

Фосфоритли рудалар намуналари қуйидаги компонентлар миқдорида:  $P_2O_5$ ,  $CaO$ ,  $MgO$ ,  $CO_2$ ,  $F$ ,  $Fe_2O_3$ ,  $Al_2O_3$ ,  $SO_3$ ,  $R_2O$ ,  $H_2O$  ва органик моддага тўлиқ таҳлил қилинди.  $P_2O_5$  ва  $CaO$  миқдорида намуналарни таҳлил қилишда компонентларнинг умумий миқдори, шунингдек, бирикмаларнинг сувда эрувчан ва цитрат эрувчан шакллари аниқланди. Қизилқум фосфоритларига карбонатлилик хосдир ва айрим намуналарда  $CO_2$  миқдори 27% ва ундан ортиққа етади. «Зар суви» («царская водка»)да эримайдиган қолдиқ миқдори Қоратов фосфоритларига қараганда бир неча марта пастдир, қатор намуналарда эса 1-2% дан ошмайди. Фосфоритлар  $Ni$ ,  $Mn$ ,  $Co$ ,  $Cu$  нинг кўп бўлмаган миқдорида эга, ушбу фосфоритларни кислотали қайта ишлашда улар микроэлементлар сифатида ўғит таркибига кириши мумкин.

Флотация учун, асосан, гетерополяр молекулалар тузилишига эга бўлган ёғ кислоталар тузидан фойдаланилади. Молекуланинг поляр гуруҳи сув билан ўзаро таъсирланишга қодир. Углеводородли радикалдан иборат бўлган аполяр гуруҳ сув диполлари билан ўзаро таъсирланмайди ва намланмайдиган (гидрофобли) ҳисобланади. Олеин кислота ва унинг тузи натрий олеат барит, флюорит, кальцит, фосфорит, шеелит, касситерит, апатит ва бошқа сульфидсиз минералларни флотациялашда қўлланилади. Олеин кислотанинг нархи қимматлигига боғлиқ ҳолда, бошқа ўрнини босувчилари деб соапстокни, сунъий ёғ кислоталарни, нафтен кислота ва нафтсовунни айтиш мумкин.

Бу кислоталар олеин кислотага қараганда энг кучсиз йиғувчилар ҳисобланади, лекин анча сараланган ва яхши кўпик ҳосил қилиш хусусиятига эга. Тадқиқотларда реагент-йиғувчилардан фойдаланилди, карбонатли флотация учун Каттакўрғон ёғ-мой комбинати чиқиндиларидан (соапсток), фосфоритли флотация учун эса - «Фомол»дан.

**«Марказий Қизилқум фосфоритли рудаларини бойитувчанликка тадқиқ қилиш»** номли учинчи бобда Марказий Қизилқум паст навли (сортли) фосфоритли рудаларининг бойитувчанлиги тадқиқ қилинди.

Тадқиқ қилинаётган намуна кимёвий таркиби бўйича руда таркибида 10-14 % гача гидрослюда, гипс-2,5-3,5 %, кўмирли моддалар-0,3-0,6 %, дала шпатлари-1,8-2,1%, жами-14,6-20,2% осон янчиладиган, шлам ҳосил қилувчи компонентлар мавжуддир.

Фосфоритли рудаларни шламсизлантириш ва хлорсизлантиришда  $S:K$  нинг зарур бўлган нисбатини олиш учун тажрибалар  $S:K$  - 1-3÷1 нисбатда бажарилди. Шламсизлантириш ва хлорсизлантириш бўйича тажрибалар натижалари 1, 2-расмда келтирилган.


Маҳсулот сифатига ювиш давомийлиги таъсири ўрганилди. Тажрибалар натижалари бўйича шламсизлантириш жараёнининг моддий баланси тузилди. Тажрибалар натижаларидан кўриниб турибдики, жараённинг энг мақбул давомийлиги 30 дақиқа ҳисобланади, бунда бойитма (концентрат)

чиқиши мос равишда 82,4, 82,6 ва 83,1 %,  $P_2O_5$  миқдори 16,6, 15,0 ва 23,2 % ташкил этади. Концентратларда  $P_2O_5$  ажратиб олиш мос равишда 92,16, 91,90 ва 92,47 % ташкил этади.


Дастлабки рудада хлорнинг ўртача миқдори 0,12 % ташкил этди.

Шламсизлантиришдан сўнг фазалар бўйича хлорни тақсимлаш бўйича тадқиқот натижалари (2-расм) шуни кўрсатдики, фосрудада хлор-ион миқдори кўпи билан 0,04 % (33,3 % дастлабки миқдордан) чегараларидаги миқдоргача камаяди, бунда ўғитга қайта ишлашда хом ашёдаги хлорнинг мумкин бўлган меъёри таъминланади. Хлор-ионнинг асосий қисми (63 %), С:Қ – 2,5:1 жараёни шароитлари сақланганда, қуйишга ўтади. Уран рудани сув билан ювишда тўлиқ қаттиқ маҳсулотлар таркибида қолади.


Шундай қилиб, янчилган руда шламларини ювиш билан йўқотиш бўйича тажрибалар шуни кўрсатадики, бунда ювиш жараёнида 6-10 %  $P_2O_5$  миқдорли руда



1-расм Рудаларни шламсизлаштиришда С:Қ нисбатининг  $P_2O_5$  ажратилишига боғлиқлиги



2-расм Фосрудани шламсизлаштиришдан кейинги хлорни турли С:Қ нисбатларида сливда тақсимланиш боғлиқлиги



3-расм pH=7.9-8.5 ишқорий муҳитда анионит тўпловчиларда фосфатларни(1), доломитларни(2), кальцитларни(3) флотацияланиши


массасининг 10-17 % шламга чиқиб кетади.  $P_2O_5$  нинг шламли талафоти дастлабки миқдордан 7-8 % ташкил этади. Ювилган рудада  $P_2O_5$  миқдори дастлабкидан 1,5-2 % ошади, хлор-ион миқдори 60-65 % га камаяди ва 0,04 % ташкил этади.

Ушбу минералларда сорбция бўйича олинган маълумотларга кўра, pH муҳитга боғлиқ ҳолда йиғувчи сифатида олеин кислотадан фойдаланиш мумкин. Аниқланишича, энг юқори активлик карбонатларда кузатилди (3-расм). Олинган маълумотлар доломит ва фосфатнинг электрокинетик потенциалига ва натрий олеатнинг концентрациясига боғлиқ ҳолда, тадқиқот натижалари билан мувофиқлаштирилади.


pH=7 бўлганда натрий олеат концентрацияси ошиши билан доломитда ҳам фосфатда ҳам электрокинетик имконият (потенциал)нинг манфий қиймати ортади, pH нинг пасайган шароитларида минераллар эришининг бир хил бўлмаган тезлиги кузатилади. Масалан, pH = 3-4 бўлганда эришнинг илгариланма тезлиги билан карбонатли минераллар парчланади. Бунда суюқ фаза фосфатли минераллар эришида  $Ca^{2+}$  катионлар билан, карбонатлар эришида  $Ca^{2-}$  анионлар билан тўйинади.

Мономинералли фракциялар флотацияси шуни кўрсатдики, ишқорлиликнинг pH=8÷9 дан pH=4÷5 гача ўзгаришида кўпikli маҳсулотга минерал ажратиш олиш фарқи 20–25 % дан 75–80 % гача ортади (4-расм). Аниқланишича, pH от 7 дан 5гача ўзгаришига кўра,  $CaO - P_2O_5 - H_2O$  тизимда фосфатнинг эрувчанлиги 0,003 дан 0,15 г/л гача ошади. Бу шароитларда фосфат парчланади (диссоцияланади),  $Ca^{2+}$  катионлари эса суюқ фазани тўйинтиради. Рудани сув билан ювиш дараёнида шлам ҳосил қилувчи жинслар (асосан, слюдалар, гипс, тупрок, дала шпатлари) чиқариб юборилади. Ювилган рудада, асосан, фосфат ва кальцит қолади. Эркин кальцитнинг миқдори ўртача 40-45 % ташкил этади.

Тадқиқот натижалари бўйича кислотали муҳитда флотациялашда ушбу минералларнинг юзадаги хоссалари фарқи ортиши сабабли кальцитдан фосфатни ажратиш имконияти пайдо бўлади. Фосфатнинг флотацияланиши ёмонлашади ва кальцитнинг флотацияланиши яхшиланади. Карбонатли флотациялаш бўйича



4-расм Мой кислотали тўпловчилар иштирокида тоза минералларни флотацияланиши водород ионларининг боғлиқлиги



5-расм pH муҳитга  $P_2O_5$  ажралиш боғлиқлиги

лаборатория тажрибалари  $P_2O_5$  – 14,88 % дастлабки микдорли шламсизлангилган рудада ўтказилди.

Карбонатли минераллар реагенти-йиғувчиси сифатида ацетонда эритилган соапстокдан фойдаланилди. pH муҳит фосфор ва азот кислоталари билан бошқарилди. Кўпикли маҳсулотда карбонатлар ажратиб олишнинг pH муҳитга, бошқаргич (регулятор) турига, реагент сарфига, шунингдек, флотация давомийлигига боғлиқлиги ўрганилди. pH муҳитга боғлиқ ҳолда  $P_2O_5$  ажратиб олиниши 5-расмда кўрсатилган.


Азот кислота билан ҳосил қилинадиган турли концентрацияли (200-500 г/т) ва pH=4,5–5,0 мавжуд соапсток реагенти билан кальцитни флотациялашда кальцит флотацияланишининг энг юқори активлиги кузатилади, фосфат эса оз даражада- 11-12% чегараларда флотацияланади.

Аниқландики, кальцитни фосфатдан саралашга кислотали муҳитда соапстокни қўллаш билан эришиш мумкин. Кейинги тажрибаларда карбонатли флотациялаш жараёнининг мақбул давомийлиги аниқланди. Флотациянинг 10 дақиқа давомийлигида камерали маҳсулотда  $P_2O_5$  микдори 20,7 % ташкил этади,  $P_2O_5$  80,2 % ажратиб олишда.


Шундай қилиб, шламсизлангилган рудани карбонатли флотациялаш бўйича тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, азот кислота билан ҳосил қилинадиган pH=4,5-5 бўлганда карбонатли флотациялаш жараёнида соапсток сарфи 400 г/т ва флотация давомийлиги 10 дақиқа,  $P_2O_5$  микдори 20,7 % ташкил этади, бойитмага (концентратга)  $P_2O_5$  ажратиб олиш 83,8 %. Кўпикли маҳсулот билан  $P_2O_5$  талафоти 10,3 % ташкил этади.

Фосфоритли флотация карбонатли флотациянинг камерали маҳсулотидан ( $P_2O_5$  - 20,7 %) фойдаланиш билан очик даврда ўтказилди. Фосфатли минераллар учун реагент-йиғич сифатида натрий олеат ва фомол қўлланилди.

Фосфоритли флотация жараёнида pH муҳитни бошқариш учун CaO қўшилди. Олдин pH=9÷9,5 бўлганда натрий олеат ва фомол реагентларининг мақбул сарфи тажрибалар билан аниқланди. Ўтказилган тажрибалар натижаларидан



6- расм  $P_2O_5$  бойитмадаги микдорини pH муҳитга боғлиқлиги



7- расм Ёпиқ схема бўйича тадқиқотлар ўтказиш



кўриниб турибдики, фосфоритли флотацияда рН муҳит мақбуллиги  $pH=8,0\div 8,5$  ҳисобланади. Бунда бойитмада  $P_2O_5$  миқдори 24,4 % ташкил этди, бойитмага  $P_2O_5$  ажратиб олиш эса 65,8 % ташкил этди (6-расм). Шундай қилиб, ўтказилан тадқиқотлар натижасида очик даврда фосфоритли флотация схемаси бўйича қуйидаги мақбул реагентли тартиб аниқланди: фомол сарфи – 300 г/т, СаО сарфи рН 8,0-8,5 гача, бунда қуйидаги технологик кўрсаткичларга эришилди: фосфатли концентрат чиқиши – 56,1 % 24,5 % миқдорда ва 65,4 % ажратиб олишда флотореагент сифатида карбонатли флотации учун соапстокдан, фосфоритли флотация учун фосфатли минераллар йиғувчиси сифатида– «Фомол» (флотация учун суюқ совун) дан фойдаланилди.


Тадқиқотлар ёпиқ схема бўйича олиб борилган бўлиб бунда карбонатли флотация учун соапсток сарфи 400 г/т ва асосий бойитмани фосфоритли флотация ва уни тозалаш флотацияси учун «Фомол» реагенти сарфи 300 г/т ни ташкил қилади (7-расм).

Таклиф этилаётган комбинатциялашган бойитиш технологияси шламсизлантириш ва кейинчалик карбонатли-фосфатли флотация жараёни натижасида қуйидаги таркибли %: 23-24  $P_2O_5$ , СаО – 40- 41,  $CO_2$  -11-12, Cl – 0,04 дан кам (руҳсат этилган меъёрдаги) бойитмани олиш имконини беради. Флотобойитма кимёвий таркибида сезиларли даражада (24-26%) эркин кальцит сақлаган бўлиб, у фосфоритларни кислота билан парчаланишида мустаҳкам кўпиб ҳосил қилади - бу эса технологик жараённи боришига халақит беради. Шу сабабли, кўпик ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида фосфобойитмани  $CO_2$  дан тозалаш учун қуйдирамиз. Бойитмани нитрат кислотаси эритмаси билан ишлов беришда  $Ca(NO_3)_2$  нинг эрувчанлиги (121 г / 100 г  $H_2O$ ) юқори ва у эритмада қолади. Агарда, фазалар ажралишидан сўнг олинган эритма аммиак билан зарасизлантирилса бунда аммиакли селитра олинади. Кальций гидрооксиди эса чўкмага тушади, сабаби унинг сувда эрувчанлиги 0,126 г/100 г. ни ташкил этади. Бу мулоҳазани текшириш учун тадқиқот ўтказилди ва бундан мақсад бойитмани карбонатсизлантириш даражасини ва нитрат кислотасини концентрациясини аниқлаш эди. Кимёвий қайтабойитиш учун қуйидаги таркибли флотабойитма қўлланилди (массаси %): 24,5  $P_2O_5$ ; 40,71 СаО; 11,2  $CO_2$ ; 1,24  $Al_2O_3$ ; 1,05  $Fe_2O_3$ ; 1,75 MgO; 2,0 F; 1,94 эримай-диган чўкма ва нитрат кислотасидан иборат.  $HNO_3$  нинг сарфи ҳисоб китоблардан олинган бўлиб бойитма таркибидаги 25% эркин  $CaCO_3$  миқдори билан боғлиқ.

$HNO_3$  сарфи 70% дан 100% гача ортиши билан  $CaCO_3$  нинг парчаланиши ҳисобига  $P_2O_5$  нинг бойитма таркибидаги миқдори ҳам ошади. Кислотанинг сарфи 100% дан ҳам ошиб кетса  $P_2O_5$  нинг бойитма таркибидаги миқдори камаяди. Кислоталарнинг концентрациялари ошса фосфорнинг эритма фазасига ўтиши кузатилади, шу сабабли жараённи 50% дан юқори бўлмаган концентрацияда олиб бориш талаб этилади. Шундай қилиб, флотобойитмани нитрат кислота билан бойитиш жараёнида нитрат кислотанинг оптимал сарфи ва концентрацияси мутаносиб равишда 100 ва 50% ни ташкил қилади.

Бунда бойитманинг чиқиши 77,6 %.  $P_2O_5$  нинг бойитмадаги улуши 28,6 %, ажралиш даражаси эса 91,4 % ни ташкил қилади.

Таклиф этилаётган фосфорит рудаларини бойитиш технологик схемаси (8-расм) НКМК ДК МИТЛда яримсаноат ва йириклаштирилган-тажриба синовларидан ўтказилган ва ишлаб чиқаришда қўллашга тавсия этилган.




8-расм. Марказий Қизилқум фосфоритли рудаларини бойитишнинг сифат – миқдор схемаси

Тўртинчи «ЭФК ва суперфосфатни балластли қўшимчалардан тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш» бўлимида сульфат кислотали эритмалардан (ЭФК) йўлдош усулда балласт қўшимчалар (кремний, фтор, уран, камёб ер элементлари) ни тозалаш ва фосфорли (аммофос, диаммофос) ўғитларни ажратиб олиш имкониятлари ўрганилган. Ювиб олинган 22,0-

25,0% ли  $P_2O_5$  бойитмаси сульфат кислотаси билан эритилди. Фосфорли хом ашёнинг парчаланиш коэффиценти 93,7-95,0% гача етади, бўтананинг филтриланиш тезлиги 842-978кг  $P_2O_5/m^3.c.$  ни ташкил қилди. Технологик тадқиқотлар натижасида дигидрат режимида ЭФКни ажратиб олишнинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқланди. Ўрталаштирилган ЭФК эритмаси қуйидаги таркибга эга, мас. %:  $P_2O_5$ -20,20;  $SO_3$ -3,35; F-1,08; 18°C даги зичлиги -1,235 г/см<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, фосфоритларни қайта ишлашда балласт қўшимчаларининг ҳолати тадқиқ қилинди. Комбинатциялашган флотацияли бойитиш ва кейинчалик кимёвий қўшимча бойитиш бойитмаларни қайта ишлагандаги каби бир хил натижалар олинди. Шундай қилиб, фосфоритларни қайта ишлашда балласт қўшимчаларининг ҳолати тадқиқ қилинди. Комбинатциялашган флотацияли бойитиш ва кейинчалик кимёвий қўшимча бойитиш бойитмаларни қайта ишлагандаги каби бир хил натижалар олинди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ЭФК дан экологик тоза аммофос ва диаммофос ажратиб олиш учун балластли қўшимчалардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилди (9-расм).



9-Расм. ЭФКдан балластли қўшимчаларни тозалаш технологик схемаси

Техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашлар шуни кўрсатадики фторни ЭФКдан чўктириш учун кам сарфланадиган чўктирувчи сифатида (1л ЭФК учун 16-25 г.) NaOH ёки КОН ни (кам чўкма ҳосил қилади -3г/100мл ва филтрланиш тезлиги юқори-1,3 л/с.) қўллаш мақсадга мувофиқдир. Таркибида 30%дан кам бўлмаган фтор сақлаган фторидли тайёр бойитма қурилади ва қиздирилади. ЭФКни фтордан тозалаш жараёни 1м<sup>3</sup> ЭФКга 25кг NaOH билан ишлов бериб фторни Na<sub>2</sub>SiF<sub>6</sub> кўринишида чўктиришга асосланган. ЭФКни урандан тозалаш учун уранни 4 валентли ҳолатга тўхтовсиз электрохимёвий тикланиш ёрдамида ўтказилади ва сўнгра рН=2,0-2,2 бўлган муҳитда газсимон аммиак билан чўктирилади ва бир вақтнинг ўзида коллектив кимёвий бойитма (ККБ) олинади. ККБни тозалаш вақтида фосфорни йўқотилишини олдини олиш мақсадида ККБ сув билан ювилади ва яна сув технологик жараёнга қайтарилади.

Уранни 4 валентли ҳолатга қайтариш учун кенг юзали ишчи электродга эга оқувчи электролизёр қўлланилади. Уранни (IV) ҳолатга тиклаш жараёни электролизёрда осон кечмайди, электролиздан сўнг у икки валентли темир катализатори таъсири остида U (IV) ҳолатга тикланади. Уранни рН=2,5-2,6 бўлганда электрохимёвий тикланишсиз ҳам чўктириш мумкин, аммо, бунда фосфорнинг чўкма билан ёқотилиш 30%ни ташкил қилади. рН=2,5 бўлганда ЭФКда бўлан фосфорни чўкиши кузатилади ва у комплекс кимёвий бойитмага(КХК) 30% миқдорда ўтади, а рН=2,2 – бўлганда бор эса 14 % ўтади.

Фосфоритларни парачаланиб фосфор, уран ва КЕЭларининг тўлиқ эритма фазасига ўтиши муҳим омили бу уларнинг турли концентрациядаги сульфат кислотаси эритмасида эриш режимлари ҳисобланади. Фосфорит рудаларининг парчаланиш мукамал вақтини ўрнатиш реактордаги ҳарорат режими орқали назорат қилинади (10 ва 11-расмлар).


Тадқиқотлар 3 та режимда амалга оширилади:

- уранни фильтрациядан сўнг тиндирилган эритмадан сорбциялаб ажратиб олиш;
- уран ва НЕЭ ларини рН=2,0 бўлганда ва 4 валентли уранни темир билан тиклагандан сўнг ажратиб олиш;
- сульфат кислотали бўтаналардан уранни сорбцияли ажратиб олиш.


Тозаланган суперфосфат олиш технологик схемаси 12-расмда тасвирланган. Суперфосфат бўтаналаридан уранни ажратиб олиш учун 4 турдаги ионитларнинг сорбцияланиш имкониятлари ўрганилган: ВО-020; ВТ-706; А-560/4790 (Хитой) ва АМП (Украина). Ўрганилган ионитлар ичида энг мақбули уранни бўтаналардан сорбциялаш учун АМП ионити танланди ва унинг уранни ажратиб олиш даражаси 90% ни ташкил қилади.

Технологиянинг асосий афзаллиги шундаки уранни йўлдош усулда ажратиб олиш жараёни олинадиган суперфосфатнинг сифатига ёмон таъсир этмайди. Шундай қилиб, суперфосфат олиш сульфат кислотали эритиш режимида 40% КЕЭ эритма фазасига ўтади. Эритмадан уранни чўктириш


вақтида 50% КЕЭлари бирга чўкади, натижада КЕЭнинг умумий ажралиш даражаси бошланғич рудадан 25-30% ни ташкил қилади.



**10-расм С:К=1:1.8 бўлганда ва сульфат кислотанинг турли хилдаги концентрациясида, %: 1-80; 2-98 фосфоритларни парчаланish тезлиги**



**11-расм Фосфоритларни реакторнинг турли ҳароратларида парчаланish тезлиги**




**12-расм. Оқим йўли билан тозаланган суперфосфат олиш технологик схемаси**

О'zDSt 2825:2014 талабларига жавоб берувчи суперфосфат ажратиш олиш учун таклиф этилган технологияни қуйидаги таркибли  $P_2O_5$ -17,9% ва  $CO_2$ -16,5% Ташкура фосфорит унида йириклаштирилган – тажриба синовларини радиоактив элементларни бир вақтда ажратиш усули билан

амалга оширилди. Йириклаштирилган-тажриба синовлари НКМК ДК МИТЛда ўтказилган.

Материал баланс гранулалашган экологик тозаланган 1 т суперфосфат олиш усун ҳисобланган (13-расм). Асос қилиб СП-АО «Электрохимзавод»нинг амалдаги гранулалашган суперфосфат олиш технологик схемаси кўрсаткич-лари олинган. Технологик тадқиқотлар натижаларига асосланиб янги турдаги радиоэкологик тозаланган суперфосфат олишнинг оптимал технологик режим меъёрлари ўрнатилган.



**13-расм. 1 т радиоэкологик тозаланган суперфосфатни олиш учун материал баланси**

Барча технологик жараёнлар босқичлари (уран ва НЕЭ сорбциясидан ташқари) СП-АО «Электрохимзавод»нинг амалдаги суперфосфат ишлаб чиқариш цехи технологик регламенти асосида амалга оширилган.

Амалдаги технологияга киритилган қўшимча фосфоритларни сульфат кислотатада эритгандан сўнг бўтанадан уран ва радийни сорбциялаш қисми ҳисобланади.

Ушбу ишлаб чиқилган технология турли хилдаги қишлоқ хўжалиги ўсимликларини Ўзбекистон шароитида ва бозор (ички ва ташқи) талаби маркетинг тадқиқоти ўрганилгач янги турдаги ўғитнинг агрохимёвий

самарадорлиги аниқлангандан сўнг амалдаги СП-АО «Электрохимзавод»да тадбиқ қилинади.

Бешинчи бўлимда «**Янги турдаги органикминераллашган ўғит олишни тадқиқ қилиш**» пастсифатли фосфоритли руда билан хўжалик чиқиндиларини биокимёвий тозалаш ва актив иллар микрофлораси билан қайта ишлаб янги турдаги органикминераллашган ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилган.

